



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, qashqadaryo@exat.uz

2021 йил «29» март

78-4-0-Q/21

Қашқадарё вилояти ҳокимияти

**Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш
ҳақини тўлаш тарифларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Шаҳар йўловчилар транспортида бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 1997 йил 25 апрелдаги “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги, 1998 йил 29 августдаги “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва кишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида”ги 482-сон ҳамда 2012 йил 17 сентябрдаги “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 273-сон қарорлари ҳамда вилоят Транспорт бошқармасининг 2021 йил 12 январдаги 30-сон мурожаати хати ва вилоят молия бош бошқармасининг 2021 йил 2 февралдаги 01-20/10-05-38/332-сон, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 16 февралдаги розилик хатларини инобатга олиб, шаҳар йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қуйидаги тарифларда белгилансин:

а) хизматларнинг чекланган тарифи бир йўловчига йўл кира ҳақи йўналишли таксилар учун бир ўриндиқ учун 2000 (икки минг) сўм;

б) йўналишсиз таксиларда шаҳар йўловчилар транспортида йўловчиларнинг талаблари асосида хизматларнинг чекланган тарифи таксометр (ҳисоблагич) кўрсатичи бўйича бир километрга ташиш учун 1000 (бир минг) сўм;

в) автобусларда бир нафар йўловчи учун йўл чиптаси 1500 (бир минг беш юз) сўм;

г) йўналишли такси ва автобусларда ҳажми 60 см X 40 см X 20 см дан 100 см X 50 см X 30

смгача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамадан катъи назар, оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлган багажни олиб юриш қиймати йўловчининг йўл ҳақи қиймати каби тартибда.

2. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунга асосан йўловчи:

Шаҳар йўналишларидаги автобусларда 7 ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

Шаҳар йўналишларида 20 килограммдан ошмайдиган оғирликдаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул олиб юриш ва бошқа ҳуқуқларга эга эканлиги инобатга олинсин.

3. Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни билан шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) имтиёзли (бепул) фойдаланувчилар рўйхати иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Вилоят транспорт бошқармаси (Н.Намозов)га:

Шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун жорий этилган йўл чипталари ва варақаларидан фойдаланишни тартибга солишни;

“Шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март) асосан айрим тоифадаги фуқароларга шаҳар йўловчилар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар берилишини;

Молия йили якунида шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини ҳар йили инвентаризациядан ўтказишни;

Бир ойда шаҳар йўловчилар транспортда юришнинг ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 273-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Статистик ҳисоботлар тузишда йўловчиларнинг турли тоифалари, ойлик транспортда юриш карточкалари турлари ва транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларнинг транспортда юришлари сони” иловасида белгиланган тартибда амалга оширишни;

Шаҳар йўловчилар транспортда юриш тарифларига риоя этилишини таъминласин.

5. Вилоят молия бошқармаси (Ф.Юсупов), вилоят транспорт бошқармаси (Н.Намозов) ҳамда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлари билан биргаликда шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) имтиёзли (бепул) юриш ҳуқуқини берадиган фойдаланувчилар учун шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлар бўйича йўловчилар ташиш хизматлари кўрсатиш муносабати билан кўрган зарари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 273-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш муносабати билан шаҳарда йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар кўрадиган зарарларни молиялаштириш ва қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Қашқадарё” ва “Новости Кашқадарьи” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг "qashqadaryo.uz" расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 13 июндаги НҚ-533/06-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эшонкулов, Қарши шаҳар ҳокими Н.Холбоев ҳамда Шаҳрисабз шаҳар ҳокими А.Сулаймонов зиммасига юклатилсин.

Қашқадарё вилояти ҳокими



Мирзаев З. Т.

**Вилоят ҳокимининг
2021 йил __ мартдаги
_____-сонли қарорига
ИЛОВА**

1. 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;
2. 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;
3. 1941–1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;
4. Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;
5. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;
6. Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;
7. Кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.